

Пойтахтимизда 7-12 октябр кунлари айлар ўртасида кўрак беги саратонининг олдини олишга бағишланган саломатлик кунлари ўтказилди. Ушбу тадбир «Хабт учун» кўрак беги саратони миллий уюшмаси, «Айлар кенгаши» жамоат бирлашмаси, Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги, «Salus vita», «MDS сервис» клиниклари ҳамкорлигида ташкил этилди.

**АЁЛ СОҒЛОМ БЎЛСА, ЖАМИЯТ БАҲҚАРОР**

Бир ҳафта давом этган навбатдаги саломатлик кунларида пойтахтимизда истиқомат қилувчи айлар «Salus vita», «MDS сервис» клиникларида чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказилди. Касаллик профилактикаси, соғлом турмуш тарзи бўйича тушунтириш ишлари амалга оширилди.

«Хабт учун» кўрак беги саратони миллий уюшмасидан маълум қилишларича, лойиҳанинг ноябр ойида бўладиган навбатдаги босқичида мамлакатимизнинг барча ҳудудларида яшовчи айларни тиббий кўриқдан ўтказиш режалаштирилган.

**СУРХОНДАРЁ**

Сурхондарё вилоятининг Шарғун шаҳарчасида кўмир кўнундан брикет ишлаб чиқарадиган янги корхона иш бошлади.

**ТЕЖАМКОР УСКУНАЛАР**

Хорижнинг замонавий технологияси билан жиҳозланган корхонада ўндан ортққ киши иш билан таъминланди. Айни пайтда тежамкор янги ускуналар ёрдамида «Шарғункўмир» акциядорлик жамиятида кўмир кўнундан ҳар кун иш тоннага яқин арзон, сифатли ва рақобатбардор қаттиқ ёқилги ишлаб чиқарилаётган.

— Корхонани барпо этишда Таъкиқоти соғлиқни сақлаш миллий банкининг дўм бўлими 500 миллион сўм имтиёзли кредит маблағи ажратди, — дейди корхона раҳбари Баҳодир Пирназаров. — Ишлаб чиқараётган дастлабки маҳсулотимизни аҳоли, таълим, тиббиёт мусассалари ва иссиқхона ташкил этган тадбиркорлик субъектлари харид қилмоқда. Келгусида корхона қувватини янада ошириш ҳисобига йиғирмага яқин иш ўрни ташкил этиб, маҳсулотнинг бир қисmini хорижга экспорт қилишни мўлжалламоқдамиз.

ЎЗА

Gazeta  
1991-yil  
21-martdan  
chiqa boshlagan

Ўзбекистон касба uyushmalari Federatsiyasining nashri • 2013-yil 15-oktabr, seshanba № 126 (3319)



**Мирмиронга бир келинг!**

Президентимиз Ислам Каримовнинг 2009 йил 3 августда қабул қилинган «Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори ижросини таъминлаш доирасида Қашқадарё вилоятида қишлоқлар инфратузилмасини ривожлантириш, аҳолининг турмуш шароитини янада яхшилаш борасида изчил ишлар олиб борилмоқда.



Намунавий лойиҳалар асосида турар жой массивларини қуриш, замонавий ижтимоий инфратузилмани яратиш борасида айниқса, Қарши туманидаги Мирмирон маҳалласида амалга оширилаётган ишлар эътиборга молик. Бу ерда барпо этилган шиман ва кўракм уй-жойларни, бозор, супермаркет, маиший хизмат кўрсатиш маркази, новвойхона, бо-

лалар майдончаси, кенг ва тоза кўчаларни кўриб, кўнгли завққа тўлади.

Барча қулайликларга эга, намунавий лойиҳалар асосида барпо этилган 290 уй-жой маҳалла кўрғига кўрк, фойз бағиш-лаш билан бирга, янги хонадон соҳибларининг фаровон турмуш кечирishiга хизмат қилмоқда.

Суратларда: Қарши туманидаги Мирмирон маҳалласида; Анвар Ҳошимов рафиқаси Жамила Мирзалиева, фарзандлари Шаҳноза, Бобуржон ва Азизахонлар билан янги уйда.

Жамшид НОРҚОБИЛОВ (ЎЗА) олган суратлар

**Давра суҳбати**

Жамиятимизда ҳар бир фуқаронинг меҳнат қилиш имкониятлари, муносиб меҳнат шароитида фаолият юритишга оид конституцион ҳуқуқ ва эркинликлари тўла қафолатланган. Шунингдек, меҳнат муҳофазаси бўйича норматив-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш, шу асосда барча мулкчилик шакллари ва ишлаб чиқариш усулларидидаги корхоналарда банд бўлган ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ва меҳнат муҳофазасини таъминлашни кучайтириш борасида кенг камровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

**Лойиҳалар муҳокамаси**

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг Республика аҳоли бандлиги, меҳнатни муҳофаза қилиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш илмий марказида бўлиб ўтган давра суҳбатида мазкур соҳага доир бир қатор лойиҳалар муҳокама этилди. Унда Бандлик ва ижтимоий муҳофаза қилиш масалалари бўйича жамоатчилик кенгаши, нодавлат нотижорат ташкилотлар, ишлаб чиқариш корхоналари вакиллари ва оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашди.

Давра суҳбатида меҳнат ҳуқуқи асослари ва унинг қафолатлари, аҳоли бандлигини таъминлаш ҳамда меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасидаги халқаро тамойил ва меъёрлар моҳияти, ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатлами бандлигига доир кўшимча чора-тадбирлар хусусида сўз борди. Йиғилганлар Вазирлар Маҳкамасининг «Ходимлар меҳнатини муҳофаза қилиш масалаларини келгусида такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори лойиҳасига киритилган «Давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари, корхона, муассаса ва ташкилотлардаги меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати тўғрисида»ги Намунавий Низом, «Меҳнатни муҳофаза қилиш муҳандисига малака сертификатини бериш тартиби тўғрисида»ги, «Меҳнат шароитлари ва жиҳозларнинг жароҳатланиш хавфсизлиги бўйича иш ўринларини аттестациядан ўтказиш тартиби тўғрисида»ги ҳамда «Меҳнат шароитлари ва жиҳозлар хавфсизлиги бўйича аттестациядан ўтказиш соҳасидаги юридик шахсларнинг фаолиятини аккредитациялаш тўғрисида»ги Низом лойиҳаларини муҳокама қилишди.

— Мазкур ҳужжатлар Ўзбекистон Республикасининг «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонуни ижросини янада кучайтирувчи қонуности ҳужжатлари бўлиб хизмат қилади, — дейди ЎзКУФК меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими мудири Урол Адиллов. — Энг муҳими, бугунги кунда асосий муаммо бўлиб келаётган корхона, ташкилот ва муассасаларда меҳнатни муҳофаза қилиш хизматини жорий этиш, мутахассислар фаолиятини йўлга қўйиш, билимларини ошириб бериш ҳамда уларга Низом лойиҳасида кўрсатилган тартибда сертификатлар бериш масалаларига оидинлик киритилди. Шунингдек, корхоналарда меҳнат шароити ва иш ўринларининг аттестациядан ўтказиш методикасини мукаммаллаштиришга эришилди.

Давра суҳбатида Бандлик ва ижтимоий муҳофаза қилиш масалалари бўйича жамоатчилик кенгаши томонидан бажарилган ишлар таҳлил қилиниб, келгусидаги вазифалар юзасидан таклиф ва тавсиялар билдирилди.

Гўзал НОРҚАЕВА, «Ishonch» муҳбири

**«Ободлик кўнглидан бошланади» республика танловига**

Энг олиё бaxт нима эканлигини биласизми? Кўпчилик бу саволга орзу-истакларидан келиб чиқиб жавоб ахтарди. Аммо дунёда инсон учун бошқа ҳеч нарса билан тенглаштириб бўлмайдиган бир бaxт бор. У сийму зерлардан ҳам аъло. Бу, шубҳасиз, сийхат-саломатликдир.

**Бахт таърифи**

(Публицистика)

Инсон саломат бўлсагина, ният-мақсадлари сари интила олади. Жамият фаровонлиги ҳам, эл-юртнинг гуллаб-яшнаши, мамлакатнинг нурилик истикболи ҳам унда яшаётган кишиларнинг соғлом ва баркамоллигига боғлиқ. Шу боис она дийримизда мустақилликнинг илк йилларидаёқ аҳоли саломатлигига юксак даражада эътибор қаратилиб, соғлиқни сақлаш тизимида кенг кўламли ислохотлар амалга оширилди. Ва бу сайё-ҳаракатлар дунё ахлининг ҳавас ва ҳайратига сазовор бўлди.

Аслида, ажодлари буюқ, ҳатто тиб илмининг даҳоси бўлган юрт соғлиқни сақлаш соҳасида бошқа давлатлардан мундайроқ ўринда туриши ярашмайди ҳам. Бирок, бу элнинг бошидан қандай кунлар ўтмади дейсиз? Не-не заҳматларга чидамади бу халқ?

Машҳур адиб Абдулла Қаҳҳорнинг «Бемор» ҳикоясини ёдингизга олинг. Унда Сотиболди образи ҳамда оиласи тақдирини XX аср 30-40 йилларининг оғир ва мусибатли кунлари акс эттирилади. Агар эсингизда бўлса, Сотиболди оғриб қолган хотинини доволатиш учун бормаган жойи, кўрмаган чораси қолмайди. Бирок, лоқалқ бир марта бўлса ҳам касалхонага, докторга учрамайди. Чунки, доктор деганда Сотиболдининг кўз ўнгига пул гавдаланарди.

(Давоми 2-саҳифада).

**Муסיқа ва санъат мактаби**

фойдаланишга топширилди

Кўштепа тумани Лангар қишлоғида замонавий меъморчилик услубида бунёд этилган 15-болалар муסיқа ва санъат мактаби фойдаланишга топширилди. Ушбу санъат қошонасида икки юз ўринга мўлжалланган концерт зали ва рақс зали замон талаблари даражасида жиҳозланган.

Айни кунда мактабда санъатнинг беш тури бўйича 90 га яқин ўқувчи таълим олмақда.

Уларга 14 нафар малакали устоз санъат сирларини ўргатапти. Анъанавий ижрочилик, фортепиано, ўзбек халқ чолғуси, рақс, хор ва бошқа йўналишларда машғулотлар олиб борилмоқда. Мактаб иқтидорли ўқувчилари вилоят ва республика миқёсида ўтказилаётган турли кўриктанловларда муваффақиятли иштирок этиб келмоқда.

Мухаммадjon МАХМУДОВ



Таниқли актриса, Ўзбекистон халқ артисти Рихси Иброҳимова-нинг кино ёки театр саҳнасида яратган образларини севиб томоша қилмаган инсон топилмаса керак. Табиийки, сеvimли санъаткоримизнинг ижод йўли мухлислар учун қизиқарли. Бу ҳақда Рихси опанинг ўзи шундай ҳикоя қилади:

**«Мен ҳам касаба уюшма аъзосиман»**

Ўзбек Миллий академик драма театри актрисаси, Ўзбекистон халқ артисти Рихси Иброҳимова газетамиз меҳмони

**Театрга қўйилган илк қадамлар...**

Катта саҳнада бош ролларни талқин этаман, деб ёшлигимда ҳеч ўйламаган эканман. Ўқувчилик даврини 1945-1955 йилларга тўғри келган. Мактабимиздаги адабиёт тўғрагида фаол иштирок этардим. Бундан ташқари, драма тўғраги ҳам ташкил этилган бўлиб, ҳар хил спектакллар кўяр эдик. Эсимда бор, «Бой ила хизматчи»ни саҳналаштириганимизда мактабимизда фақат қизлар таҳсил олгани учун ясама мўйлаблар қўйиб, аркаклар ролини ҳам ижро этганмиз. Мактабдош қизлар жуда иноқ эдик. Барча қийин ишларни елкамизга олиб, биргалашиб бажариб кетаверардик. Уртамиздаги меҳроқибат бир умрлик экан, ҳозирга-

**Кўнгли иши қийин...**

Баъзида шундай ҳолатлар ҳам бўлиб туради. Лекин биз актёрмиз. Режиссёр қайсидир бир ролга муносиб топилдими, демак, ижро этамиз. Ҳақиқий санъат асарининг умри узоқ бўлади. Езувчининг ижод намуналари, ҳайкалтарошнинг ҳайкаллари, бастакорнинг муסיқаси, рақсман чизган расмлар юксак даражада бўлса, тарихга муҳрланади. Бирок театр актёрининг ижроси...

Битта спектаклни тайёрлаш жараёнида 4-5 ойлаб ҳар кун театрда келиб, репетиция қиламиз. Шунча куйиб-пишганимиз, кечалари образнинг чиройли чиқishi умидида тўлғонганларимиз 1-2 соатлик спектаклда барҳам топади. Мен энди Жамилалар, Гулилар, Феру-

**Ҳамон саҳнадаман...**

Бизнинг касбимизда ёшнинг унчалик аҳамияти йўқ. Ёшлигимизга мос қараҳмон ролини ижро этаверасиз. Гап шундаки, аксарият спектаклларда турли ёшдаги образлар бўлади. Ҳозирги кунда саҳнага кўпроқ она кийфасида чиқаялман.

Бошимдан кўп оғир дамларни ўтказганман. Ҳаётим ҳақида эшитган инсонлар «тақдирингиз катта китоб экан», дейишди. Шу пайтга-ча бир неча ёзувчиларимиз мен

ҳақимда асарлар ёзишган. Каттагина фильм чиқиш арафасида турибди. Яна бир гап. Тошкентнинг 2200 йиллигига бағишланган тантанادا бир ёш расмом менинг портретимни чизган эди. Қарангки, шу сурат йилнинг энг яхши портрети номинанингдир хотини бўлиб рол ижро этишингизга тўғри келади. Шундай пайтларда санъатни тушунган хонадонда келин бўлган бўлсангиз яхши, акс ҳолда, оилангиз ҳам, санъатингиз ҳам кўчада қолади...

**Биринчи муҳаббат ва турмуш...**

Радиога илк эфирларни халққа узатган режиссёр бўлардилар. Бир-галида тайёрлаган эшиттиришларимиз ҳалигача олтин фонда сақланади. Театрда ҳам, радиога ҳам бизни бир-бирига муносиб жуфтлик деб тилга олишарди. Ҳақиқатан ҳам у инсон менинг кўнглимга қараб, ҳар томонлама қўллаб-қувватлаган. Бирок бедаво дард туфайли турмуш қуришимизга қисқа муддатлар қолганида оламдан ўтдилар. Лекин вафоти олдиндан ҳам: «Рихсиҳон, сиз ҳуқуратимга сазовор бўлгансиз, ҳақиқий муҳаббатни кўриб дунёдан ўттирман. Сизга шундай инсон учрасинки, мендан ҳам кўпроқ яхши кўрсин, эъозласин», деган эдилар. Шу воқеадан сўнг турмушга чиқмай ўтаман, деб ўйлагандим. Театримизда ишлайдиган бош инжёнёр ўтмишимдан хабардор бўлиб, «Бахтли бўлишингизга ёрдам бераман», деган. Сузларининг устидан чиқди ҳам. Уйда жуда арзанда келин бўлганман, раҳматли қайнонам ва турмуш ўртоғим ижод қилишим учун барча шароитни яраттишган.

(Давоми 4-саҳифада).

# Меҳр қолур, оқибат қолур



Корхонамизда 530 нафар ишчи-ҳодим ишлайди. Мавсум давомида улар сони янада ортади. Биргина шу йилнинг ўзида аъзоларга 49,867 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. 18 нафар 50 ёшдан ошган ишчи-ҳодимга 16 млн. 200 минг сўмлик моддий ёрдам берилди.

## Эътибор

Шунингдек, 20 нафар ҳодим тизимга қарашли «Арчазор Чимгон» сыхатгоҳида бепул дам олиб қайтди. 12 нафар аъзо эса бошқа сыхатгоҳларда имтиёзли тарзда ўз соғлиқларини тиклади. Мустақиллик байрами муносабати билан жамоамизда ишлаб, нафақага чиққан 9 нафар қарияга 1 млн. 30 минг сўмлик совға-салом тарқатилди.

Намунали худуд саналган туманимиз касабаси уюшмалари тизимида фуқаролар манфаатларини ҳимоя қилишга катта эътибор қаратилган. Жорий йилнинг ўтган саккизи ойда 273 та мушоахат қайд этилган бўлса, улардан 184 таси ўрганилди ва ижобий ҳал этилди. Қолганлари эса қўриб чиқиш учун тегишли бўлимларга ўтказилди.

Заводимиз бир кунда 200 тонна пахта қайта ишлаш қувватига эга. Шу кунларда пешона тери билан яратилган улкан ҳосилни териб, давлат хирмониға топшириш ишлари уюшқоқлик билан олиб борилмоқда. Ўз ўрнида, биз маъмурият ҳамда Аграрноат мажмуи ҳодимлари касабаси уюшмаси Хатирчи туман кенгаши билан ҳамжихатликда пахтакорлар ва ҳашарчиларга эркин меҳнат шариитини яратиб беришга интиломдамиз. Корхона ҳамда унинг пахта қабул қилиш пунктларида ҳар кун икки марта иссиқ овқат бепул уюштирилмоқда. Меҳнат муҳофазаси ҳамда ёнғинга қарши барча чоралар кўрилган.

Тойир САФАРОВ,  
Хатирчи «Пахта тозалаш заводи» ОАЖ  
касабаси уюшма қўмитаси раиси

Неъмат ака гардиши дарвозани қия очаркан, — Ким бор, Давлатбой, — дея овоз бериб ичкарига одимлади. Кудаси кўринмади, доим ҳовлини бошига кўтарувчи бола-бақрадан ҳам дарак бўлмагач, кўлидаги халтачаларни деворга суяб, орқа томонга ўтди. Икки туп ёнғоқ соясида болакайлар пўстини арчиб, ёнғоқ об ўтиришар, келин эса тандирга нон ёпарди.

— Ҳорманг, қизим, яхшимисизлар, — деди очик оёз билан.

Келин эса:  
— Ҳа, яхшимисиз, кираверинг, ичкаридилар, — деди ишдан чалғимай.

— Майли-майли, — Неъмат ака бир зум сerratийб қолди. «Бемаврид келдиммикан» дея ўйлаб, иккилаб эшикни тортиди. Очилмади, ичкаридан қулфланган эди. Неъмат аканинг ҳайронлиги янада ошди, девор четидан ўзига беғонасираб қараб турган бошги икки болага кўзи тушиб, хижолатомуз жилмайди. Имлаганди, аввал чикиги, кейин каттаси яқин келди. Энгашиб, уларнинг пешонасидан ўпиб, халтасидан ширинликлар олиб узатди. Уларнинг бир-бирига мактаниб конфет еяётганини бир дам марокланиб қузатаркан, — келинонинг қани, нега эшикларни қулф, — дея гапга тутди.

## Кенга кенг дунё

— Ойим билан келиноним уришиб қолдила, кейин улар уйлариға кириб кетдилар. Бизи кирмасин деб эшикларини бекитиб олдилар, билдий, — деди қизалоқ.

— Ҳи, шунчаки, — деди Неъмат ака катта келиннинг қош-қовоғини эслаб. — Ҳа майли, бор, келинонинг чакир, бобом келдилар, дегин, хўпми, — деди ва ўзи болакайни кўтариб, ҳовли сатҳини кеза бошлади. Қизалоқ эса «чоққиллаганча» дераза томонга югурди.

Мадина рўмолини тўғрилаб эшикни очганда, отаси овсинининг ўглини қижирлатиб кўкка отиб ўйнатарди.

— Вой, дада, асалому алайкум. Нимага бу ерда турибсиз, уйга кирмайсизми? — деди отаси билан сўрашаркан.

— Эшик ёпиқ экан, шунга тургандик манавай тойчоқ билан ўйнаб, — деди икки ёшли Сардорнинг юзидан ўпиб.

— Ҳа, мушук кирмасин девдим-да, неварайизи ухлатётгандим, шунга... — деди у сулаға шоша-пиша дастурхон тўзаркан. Сўнг отасининг олдиға ўтириб, дастурхонга талпинаётган болакайнинг шарт олди-да опасининг ёниға қўйди. — Боринлар, бу ерда уймалашавермай. Аммо Неъмат аканинг кузатиб турганлигидан сергажикни. — Манабуларни олинлар-да, ўйнанлар, меҳмон келганда болалар кирверса, уят бўлади, — деди юмшоқлик билан уларга мевалардан тўтаркан.

— Қайнотанг қани, — деди Неъмат ака чўй куйиб узатган қизига. — Оғайнинининг туғилган кун экан, шунга ойим билан Бўстонлиққа кетишувди. Ўзиз, ойимлар яхшими, акамлар саломатми, — ҳол-аҳвол сўради Мадина.

— Биз яхши, ҳамма нарсанга ўз жойида. Ўзинг қалайсан, тинчликми? — деди тандирдан нон узатган катта келини ишора қилиб. Мадина отасининг сезгирлигини биларди, шу сабаб бошини қуйиб солди.

— Тинчлик, энди уй ичида бўлади-да, хавотир олманг, — деди шашти тушиб.

— Бир кун ўз ҳолингга қолсанг, шундай бўладими? Қайнотанг эшитса, ранжмайдими ахир? Сен кичиксан, гапдан қол. Кам бўлмайсан.

Ота сўзини сира икки қилиб ўрганмаган Мадина индамади. Томоғи тикилиб келган нарсани киркирлариде ялтратди. Неъмат ака эса ерга қараб сўқут сақлаб турди-да, келин иккига иссиқ нон кўтариб келган қизини олдиға олиб вазминлик билан сўзлади:

— Ота-онамиз қолганда кичкина эдим. Кўрган одамга бола эдигу, аммо қора рўзгорнинг ўйи бизни улғайтириб қўйганди. Пирмат амакинг ўшанда энди уйланиган маҳали, биз олти опа-ука, жами саккиз жон каталдек уйда яшардик. Биласанми, бизни ўша машўм очарчилик, қаҳатчилик йилларидан асраган нарсани нима эди. Узаро меҳр-оқибат, инсоф-диёнат. Эсласам, нафақат жигарлар, балки қўни-қўшни, маҳалла-қўй ҳам бир-биримизга биродар бўлган эканмиз. Ишонсанг, қўшиниқиди ош бўлса чакришар, чиқишга истихоло қилсақ, девордан узатиб юборишарди. Энди уйласам, у одамларнинг қорни очу, кўнгли тўқ бўлган экан, қизим.

Мени яна бир нарсани қувонтирадими, акамнинг хотини — янгам бизни ўз боласидек қабул қилганди. Жуда очикқўнли, сариштали, савхотли аёл эди. Мени кенжотиб деб атарди. Ширинсўзликлари учунми, ош қилса капкир, кашта тикса инга-йи олиб ортларидан қолмасдим. Акам билан мени эркалаб, ака-опаларимнинг бошини силаб воёга ётказдилар, ўқитиб, уйли-жойли қилдилар. Бизнинг тутумда ажратиб, қизганиш деган нарсалар бўлмаган. Бир уйда то ҳовли-жой қилгунча овсинлар-у, болалар аҳил яшаганмиз. Буни ўзинг ҳам эсларсан. Ҳозир атрофга қараб туриб айтманки, тотувлик бизнинг турмуш тарзимиғизга айланган экан. Энди ҳамма нарсани бору, кўнгли то-райиб кетяптими, дейман. Кенга дунё ҳам кенг, болаларим, кўнглини кенг қилинг.

Шундай деб эртак эшитгандек анграйиб қолган болакайларни бир-бир ўлди-да, юзига фотиҳа тортиб ўрнидан турди. Қизининг унашиға ҳам қарамай кетишга чоғланди. Дарвоза олдиға етганда эса ошона деразаси томонга қараб:

— Майли, қизим, сиз ҳам яхши қолинг, уйингиздагиларни сўраб қўйинг, — деди ичкаридан чиқиб келган катта келинға.

Мадина эшикни ёпаркан, дили алланечук равшан тортганини ҳис қилди.

Сулаға яқинлашганда, уни кўриб, дастурхондан шошиб қўлини тортиб олган қизалоққа қараб қулди-да, бошини меҳр билан силаб қўйди. Сўнг ортиға қараб:

— Опажон, келинги, чой ичамиз, — деди самимият билан.

Наргиза АСАДОВА

## Саховат

Самарқанд шаҳридаги 10-Меҳрибонлик уйи мукамал таъмирланиб, фойдаланишга топширилди.

Бу хайрли иш «Сен ёлғиз эмассан» республика жамоатчилиқ болалар жағфармаси кўмағида амалға оширилди. Айни чоғда барча қўлайликларга эга ётоқхона, машғулотлар учун хоналар, кўрғазма ва ўқув заллари, музей, ошхона, кутубхона, спорт майдончалари болажонлар ихтиёрида.

Нурилла ШАМСИЕВ,  
«Ishonch» мухбири

## Байрам тухфаси

Курбон ҳайити муносабати билан «GM-Ўзбекистон» қўшма корхонаси маъмурияти ва касабаси уюшма қўмитаси ишчи-ҳодимларни рағбатлантирди.

Корхонада меҳнат қилаётган 9000 нафардан зиёд ишчи-ҳодимнинг ҳар бирига 250 минг сўмдан мукофот пуллари берилди.

Корхонада ишлаётган 10 нафар меҳнат фахрийси ва кам таъминланган оила вакиллариға озик-овқатлар жамланмаси тарқатилди.

Ўз мухбиримиз

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Ҳа, ўша пайтларда ҳам шиғохона, шиғофор деган тушунчалар бор эди. Бироқ, Сотиболди сингари қўли калталар билан ҳеч кимнинг иши йўқ эди. Бундайларнинг саломатлиги ёки хасталиги ҳеч кимни қизиқтирмасди ҳам.

Бугун-чи, ҳаммаси бошқача.

Юртимиз фуқароларининг ҳар бири, ким бўлишидан, ижтимоий келиб чиқшидан қатъи назар, малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқиға эга. Бу қонунларимизда ҳам мукамал ифода этилган.

Тарихга тош отиш, қайсидир тузумни ёмонлаб, «у вақтда ундоқ эди, ҳозир бундоқ», дейиш фикридан йироқмиз. Аммо, бугунгидек дорилон кунларда ўша оғир кунларнинг айрим саҳифаларини ёдга олсак, ўйлаймизки, бу бугунги замонамизга шукроналикдир.

Ўшанда 7-8 ёшлардаги болакай эдим. Болаларча шўхлик, ўт-оловлик пайтимиз эди. Бир кун нимадир бўлдию, қаттиқ шамоллаб қолдим. Кун бўйи иссиғим тушмади. Кечаси билан йўталиб, аллахсираб чиқдим. Ойим атрофимда парвона. Гоҳ рўмолча хўллаб пешонамға босадилар, гоҳ сут қайнатиб оғзимға тутдилар. Қанийди томоғимдан ўтса. Аҳволим ўнганавермагач, ойим кишлоғимиздаги «медпункт»ға олиб бордилар. Ҳали-ҳали эсимда, бу бино кишлоқнинг бир бурчағи омонатгина қилиб қурилган, сал қаттиқроқ шамол турса, тўкилиб тушадигандек эди гўё. Биноға киришга кирдим худди ҳозир босиб қоладигандек ҳадиксирардим. Мени эгниға оқ халат кийган опанинг уқолидан ҳам кўпроқ бино томи бошимизға тушиб кетмасмикан, деган ташвиш хавотирға соларди.

Бу узоқ тарих эмас. Кечаги куннинг, аниқроғи, йигирманчи асрнинг 80-90

йиллари гапи. Биз яқин-яқинда ҳам ана шундай омонат «медпунктлар»да даволанишға мажбур эдик. Бу ҳам аҳоли сони кўп бўлган кишлоқларда бор эди холос. Тиббиёт асбоб-анжомлари шунга яраша, битта шприц билан бутун кишлоқ аҳолисига уқол қилинарди. Ўшанда ҳам шиғохона, шиғофор бўлган. Аммо энг яхшилари марказларда, шаҳарларда эди.

Бугун-чи? Ҳозир истаган кишлоққа боринг, замонавий кишлоқ врачлик пунктиға кўзингиз тушади. Уларда барча шарт-шароитлар мавжуд эканиға, энг сўнги типдаги замонавий тиббиёт усқуналари билан таъминланганиға гувоҳ

барча имкониятлар етарли.

Тиббиёт соҳасидаги эзгу ишларимиздан яна бири, она ва бола саломатлиги йўлида олиб борилаётган изчил ислохотларда ўз аксини топмоқда. Давлатимиз раҳбарининг «Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлоднинг шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори муҳим аҳамият касб этмоқда. Мазкур қарор асосида нафақат пойтахтда, балки вилоятларда ҳам Она ва бола скрининг марказлари ташкил этилиб, соғлом турмуш тарзини шакллантириш, аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, оналар ва болаларға малакали тиббий хизмат кўрсатиш борасида муайян ишлар амалға оширилмоқда. Бу эса Ўзбекистоннинг келажоғи соғлом ва баркамол авлод қўлида эканидан дарак. Бугун ана шу ёшлар ўз куч-қудратлари, билим-салоҳиятлари билан фан, санъат, спорт соҳаларида Ватанимиз довруғини дунёға танитишмоқда.

Халқимизда «Соғ танда — соғлом ақл» деган пурмаво мақол бор. Бу бежизға айтилган ёки шунчаки ўйлаб топилган гап эмас. Бунинг замирида улкан маъно муҳассам. Юқорида таъкидлаганимиздек, инсон сыхат-саломат бўлсагини, хайрли ишларға қодир бўлади. Таннинг соғломлиги ақлнинг теранлигидан, қалбнинг покизалигидан далолат. Демакки, комил инсон, баркамол авлод тарбиясида соғлиқни сақлаш тизимини ўрни катта. Йигирма йилларди, юртимизда ана шу муҳим тамойилға амал қилиб келинмоқда. Бу, ўз навбатида, халқимизнинг фаровон турмуши, жамият равнақи, Ватанимиз тараққиётиға хизмат қилмоқда.

Баҳодир МҲМИНОВ,  
журналист

# Бахт таърифи

бўласиз. Албатта бу эрк, мустақиллик шарофатидан.

Маҳалладош қўшимиз Ҳикмат амакиннинг бир оёқлари йўқ. Айтишларича, бундан 15-20 йил муқаддам оёқларини оғир темир босиб қолиб, синган экан. Докторлар ҳар қанча уринишмасин, синган суякни жойиға солишолмабди. Шунда уларнинг каттаси ва оёқни даволаб бўлмайдди, деб кесиб ташлабди.

Ҳикмат амаки сўнги пайтларда ўша оёқларини кесиб ташлаган «катта доктордан» нолийдиган, уни бўралаб сўкадиган бўлиб қолдилар. Сабабини сўрасам, «агарда ўша доктор малакалироқ бўлганида оёғимни асраб қолса бўлар экан, мана бугун юракни, кўзини операция қилиб асраб қолишяпти-ку», дейдилар.

Дарҳақиқат, бугунги кунда инсоннинг қайсики аъзоси бўлмасин, даволашнинг иложи бор. Энг нозик жарроҳлик амалиётлари ҳам ўзимизда амалға оширилмоқда. Бунинг учун

# Оила сақлаб қолинди

ФХДЁ биносига олтмишларни қоралаган ота-хон ой-қуни яқинлашиб қолган жувон билан кириб келди.

— Қизим қўшни туманға келин бўлиб тушганди, — дея дардини ёрди у. — Ярим йил яшамасдан рўзғорида жанжал бошланди. Қизимнинг бошиға итнинг кунини солишяпти. Қудаларимиз: «Сизларға келин керак бўлмаса, менга қизим керак. Яхшиси, уларни ажраштириб қўя қолинг», дедим.

Бу гапни эшитиб, кўнглим алланечук бўлди. Дарров туман хотин-қизлар қўмитаси раиси Шоира Бобоқуловаға вазиятни тушунтирдим. Натижада, маҳалла фаоллари, икки туманнинг обрўли аёллари аралашуви билан оила сақлаб қолинди. Шу пайтгача ишсиз юрган куёвға ҳокимият томонидан қурилиш корхонасидан иш топи берилди. Келин эса маҳалладаги мактабгача таълим муассасиға тарбиячи бўлиб ишға кирди. Ҳозир шу оиланинг икки нафар фарзанди бор. Тинч-тотув рўзгор қилиб келишяпти.

Эътироф этиш керакки, юқоридаги каби масалаларни ҳал этишда маҳалла фуқаролар йиғинлари қошидаги яраштирув хайъати фаолларининг роли ортиб бормоқда. Кўпни кўрган онахон-у отахонлар ёшларға тўғри йўл-йўриқ кўрсатмоқда. Биргина Нарпай туманида маҳалла фаолларининг фидойилиги туфайли бир неча оилалар яраштирилди. Шу йилнинг 8 ойи давомида маҳалалар кўмағи билан 24 та ёш келин-куёв ажралиш ҳақидаги аризаларини қайтариб олди.

Лайло САФАРОВА,  
Нарпай туман ФХДЁ бўлими мудири

Шундай инсонлар борки, бир касбда узоқ йиллар меҳнат қилиб, ҳурмат ва обрў топшилади. Дарахт бир жойда кўкаради, нақлиға амал қилиб, кўпчиликка ибрат бўлғучи ҳаёт мактабини ўташади. Шаҳрихонлик касабаси уюшма етакчиси Убайдулла Турсуновға ушбу таъриф тўла мос келади.

— Ўз касбининг фидойиси бўлган инсонлар орамизда бисёр. Аммо Убайдулла аканинг бошқалардан ажратиб турадиган сифатлари бор, — дейди Таълим, фан ва маданият ҳодимлари касабаси уюшмаси Марказий кенгашининг Андижон вилояти бўйича масъул ташкилотчиси Эркинжон Каримов. — У қаерда ва қандай лавозимда ишламасин, вазифасиға чин дилдан ёндашади. Бу инсондаги раҳбарлик ва ташкилотчилик қобилияти, айниқса, тармоқ туман касабаси уюшмасининг раиси вазифасида ишлаш жараёнида намойн бўлди.

Зиёлилар оиласида ўсган Убайдулла Турсунов меҳнат фаолиятини 1967 йилда Шаҳрихон туманидаги пахта тозалаш заводида чилангарликдан бошлаган. 1968 йилда Краснодар (Россиянинг Краснодар шаҳри) давлат педагогика институтининг рус филологияси факультетиға ўқишға кириб, 1973 йилда Кубан давлат университетини (қайта номланган) рус тили ва адабиёти мутахассислиги бўйича тамомлаган. Шундан сўнг Шаҳрихон туманидаги 1- ва 37-мактабларда ўқитувчи, халқ таълими бўлими услубчиси, 37-мактаб директори бўлиб ишлади. Мустақилликнинг дастлабки йилларидан 1998 йилгача халқ таълими бўлими методика мудири, мактаблар назоратчиси, 1998-2000 йилларда ХТБ мудирининг ўринбосари сифатида фаолият кўрсатди.

Убайдулла аканинг меҳнат-севарлиги ва тўғрисузлиги жа-

моада унга бўлган ишончини оширди. 2000 йилда уни бир овоздан таълим ва фан (ҳозирги таълим, фан ва маданият) ҳодимлари касабаси уюшмаси туман ташкилотига раҳбар этиб сайлашди. Шу кунгача ушбу вазифада ишлаб келмоқда.

— Тўғриси, касабаси уюшмалари тизимида иш бошлаб, дастлабки йилларда анча қийналганман, — дейди Убайдулла ака. — Аммо кейинчалик бу соҳа менинг табиатимға мослигини тушуниб өтдим. Одамларнинг оғирини ёнғил қилиб яшаш — катта бахт. Қолаверса, жамоа ишончи, номзодимни қайта-қайта сайлаши менга куч-ғайрат бахш этди.

Жамоа шартномалари ва келишуви орқали тармоқда ишловчи ҳодимларни ижтимоий-иқтисодий, касбий-маънавий, меҳнатта оид ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилиш, жумладан, иш ҳақлари ва унга тенглаштирилган тўловларнинг вақ-

ташкит қилиниб, уларни қизиқтиратган, ўйлантиратган муаммолар юзасидан ёзма ва озаки тавсиялар берилади.

Ишловчиларға қўлай меҳнат шариити яратиш, улар ва оила аъзоларининг саломатликларини муҳофаза қилишға ҳам жиддий аҳамият қаратаилайтир. Убайдулла Турсунов фидойи педагоглarning меҳнати адо-

латли баҳоланиши учун куйиб-пешади. «Умумтаълим муассасаларининг ўрнатқ кўрсатган ҳодимларини рағбатлантиришнинг директор жағфармаси тўғрисидаги Низом»ға асосан махсус комиссиянинг доимий аъзоси сифатида ҳодимларни моддий рағбатлантиришда иштирок этади.

Кенгаш ҳодимлари томонидан жамоаларда меҳнат шартномалари, мансаб йўриқнома-лари, низоми ҳамда ички меҳнат тартиби қондаларининг ба-жариллиши назорат қилинади. Техника хавфсизлиги хоналарининг ортехника воситалари,

меҳнат муҳофазаси бурчақлари ва меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича ўқитиш учун зарур бўлган техник воситалар, ўқув ва кўрғазмали куроллар, тарғибот-ташвиқот воситалари, плакатлар ва бошқа анжомлар билан жиғрланиши, муассасаларда етарли меҳнат шариити яратилиши, синфларнинг ёруғ ва меъёр даражасида иссиқли-

ги таъминланишида бошланғич ташкилотлар раисларига яқиндан ёрдам берилади.

Убайдулла ака кенгаш раиси сифатида таълим ва маданият муассасаларида соғлом ҳамда ишчан мухитнинг барқарор бўлиши, ҳодимлар ва уларнинг оила аъзоларининг муассаса маъмурияти билан қолишган ҳолда санаторий ва дам олиш уйлариға юборилишини таъминлайди. Тумандаги бошланғич касабаси уюшма ташкилотлари раисларини танлаш ва жой-жойиға қўйишда бош-қош бўлади.

Унинг меҳнатлари самараси

# Умри боқий

## Матбуот анжумани

Юртдошларимизнинг замонавий уйларга бўлган талаби кучайиб бораётган. Шу сабабли мамлакатимизда аҳолини уй-жой билан таъминлаш муҳим вазифалардан бирига айланган ва бу, ўз навбатида, тижорат банклари зиммасига ҳам масъулият юклайди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, «Ипотека банки» ҳамда Миллий матбуот маркази ҳамкорликда ўтказган матбуот анжуманида бу борада амалга оширилаётган ишлар хусусида кенг маълумот берилди.

Аҳолини уй-жой билан таъминлаш сибсати қишлоқлар қиёфасини тубдан ўзгартириш, ижтимоий-иқтисодий инфратузилмани комплекс шакллантириш ва ривожлантиришни қамраб олган. Бу талабларни амалга оширишда тижорат банклари томонидан ажратилаётган ипотека кредитларининг аҳамияти катта бўлмоқда. Шунинг учун ипотека кредитлаш ҳажмининг йил сайин ошириш чоралари кўриляпти.

Маълумотларга кўра, шу йилнинг сентябрга қадар мамлакатимиз банкларининг ипотека кредитлари қолдиги ҳажми 2 трлн. 379 млрд. сўмни ташкил этмоқда. Жорий йилнинг ўтган саккизи ойда ажратилган салкам 777 млрд. сўм миқдоридagi банк кредитлари эвазига мижозлар янги уй-жой куриш, харид қилиш ва қайта таъмирлаш имконига эга бўлишди.

# Экспорт салоҳияти ортади

Марказий Осиё давлатлари орасида Ўзбекистон узум ва мева етиштириш, уни қайта ишлаш бўйича етакчи ўринни эгаллайди. Президентимизнинг 2006 йил 11 январдаги «Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасини ислоҳ қилиш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорига мувофиқ «Ўзмева-сабзавотузмасаноат-холдинг» компанияси мустақил узумчилик соҳасига ихтисослаштирилган «Ўзвиносаноат-холдинг» компаниясига айлантирилди ва унинг зиммасига муҳим вазифалар юклатилди.

Шундан келиб чиқиб, компания соҳанинг ягона техник ва технологик сибсатини амалга оширишда. Ички ва ташқи бозорларнинг маркетинг тадқиқотларини ўтказиб, корхоналарга рақобатбардор махсулотларнинг янги турларини ўзлаштиришда ёрдам бериб, уларни ташқи бозорда кенг тарғиб қилаётган. Бундан ташқари, инвестицияларни жалб қилиб, қўшма корхоналар тузишга кўмаклашмоқда.

Тармоқ корхоналари халқаро кўргазмалар, дегустация танловлари ва бошқа тадбирларда фаол иштирок этаётган. Ишлаб чиқарилаётган махсулотлар харидорларга бўлиб, улар сифати ва ташқи кўриниши жиҳатидан 63 та олтин, 72 та кумуш, 44 та бронза медали, 5 та гранпри, 77 та диплом ҳамда шу сингари мукофотларга сазовор бўлган.

Президентимиз қарорлари

ҳамда ҳуқуқимиз дастурлари доирасида банк кредитлари ва ўз маблағлари ҳисобига холдинг компанияси корхоналари 100 дан ортиқ қурилиш лойиҳасини амалга оширди. 155 млрд. сўмлик инвестициялар жалб этилди. Булар, ўз навбатида, қатор корхоналарни замонавий технологик жиҳозлар билан таъминлаш имкониятини яратди. Эндиликда компания зиммасида турган энг асосий вазифа моддий-техникавий базани такомиллаштириш, ҳар хил турдаги виноларни ишлаб чиқариш учун янги технологик тизимларни яратиш ва умумий ҳажмида юқори сифатли виночилик махсулотини ишлаб чиқаришни кўпайтириш ҳисобига маъруз сананоатинг рентабеллигини оширишдир.

Ушбу максادلарни рўйбга чиқариш учун корхоналарни модернизациялаш дастури бўйича 2015 йилгача тахми-

нан 135 млрд. сўм ҳажмида 80 дан зиёд инвестицион лойиҳа амалга оширилади. Шунингдек, махсулот турларини кўпайтириш ҳам режислаштирилган. Демак, ишлаб чиқариш салоҳияти кенгайар экан, табиий равишда янгидан-янги иш ўринлари юзага келади.

«Ўзвиносаноат» холдинг компанияси Ўзбекистон Миллий матбуот марказида «Компания томонидан мева-сабзавот ва узум етиштириш, қайта ишлаш самарадорлигини ошириш ҳамда соҳанинг экспорт салоҳиятини оширишга йўналтирувчи Давлат дастурининг бажарилиши» мавзусида ўтказган матбуот анжуманида шу хусусда сўз юритилди.

Журналистларнинг мавзуга доир саволларига соҳа мутахассислари атрафлича жавоб бердилар.

Шарофат НОРҚУЛОВА,  
«Ishonch» мухбири

# Замонавий, қулай, имтиёзли

Мамлакатимизда ёшларга муносиб турмуш шaroитини яратиш беришга алоҳида эътибор қаратишмоқда. Айтиш мумкин, «Обод турмуш йили» Давлат дастурига мувофиқ тижорат банкларининг маблағи эвазига ҳудудларда 105 та кўпқаватли турар жой биноси қурилиши давом эттирилмоқда. 2013-2015 йилларда фойдаланишга топшириладиган ушбу уйлар ипотека кредитлари воситасида уч йиллик имтиёзли давр билан фойдаланиш Марказий банкнинг амалдаги қайта молиялаш ставкаси билан ортиқ бўлмаган миқдорда тақдим этилади. Таъкидлаш керакки, ипотека кредитидан фойдаланаётган ёш оилаларнинг даромадлариغا солиқ солинмайди. Бундай имтиёз ёшларнинг фаровон турмуши қарор топишига хизмат қилади.

Маълумки, мамлакатимизда

қишлоқ жойларда яқна тартибда турар жой қуриш комплекс дастури амалга оширилмоқда. Ушбу дастур минглаб қишлоқ оилаларини замонавий, қулай уй-жойлар билан таъминлаш, қишлоқ инфратузилмасини модернизациялаш ва ривожлантириш, пировард натижада, қишлоқларнинг қиёфасини тубдан ўзгартириш орқали уларнинг турмуш фаровонлигини юксалтиришга қаратилган. Чунончи, 2009-2012 йилларда намунавий лойиҳалар асосида мамлакатимизнинг 159 та қишлоқ туманида 650 та янги қишлоқ уй-жой массиви барпо этилди. Умумий майдон 3,2 млн. квадрат метр бўлган 23,6 мингдан ортиқ яқна тартибдаги уй-жой қурилди ва ушбу максادلарга 1,2 млрд. АҚШ долларидан зиёд инвестициялар йўналтирилди. Жорий йилда ҳам қишлоқ-

ларда уй-жойларни кенг қўламда қуриш ишлари давом эттирилмоқда. 353 та қишлоқ массиви ҳудудда 1,4 млн. квадрат метр бўлган 10 мингта барча қулай шaroитга эга турар жой қуриш кўзда тутилган бўлиб, банклар томонидан 1 трлн. 385 млрд. сўмдан ортиқ маблағ ажратиш мўлжалланган.

Яна бир муҳим жиҳати, замонавий уй-жойларни ипотека кредити асосида харид қилишда аҳолига катта қулайлик яратилган. Яъни, қурилаётган уй-жойларнинг эгаларига банклар томонидан 15 йил муддатта йиллик 7 фоиз ставка бўйича кредитлар ажратилмоқда. Харидор дастлаб намунавий лойиҳа асосида барпо этилган уй нархининг 25 фоиз миқдориди бошланғич бадал пулини тўлайди ва қурилиш жараёни нazorат қилиб боради. Уй

битгач, у шахсий мулк сифатида қабул қилиб олинади. Газ, сув, электр энергияси ва бошқа муҳандислик тармоқларига ҳеч қандай қўшимча тўловларсиз уланади. Банк кредитлари ҳисобидан яқна тартибда уй-жой қуриётган қишлоқ аҳолиси кредитларни қайтариш ва уларнинг устама фойзаларини қоллашга йўналтириладиган даромад солиқларини тўлашдан озод этилган. Бундан ташқари, улар сотиб олган уй-жойдаги мулк учун ипотека кредитини

тўлиқ тўлашга қадар солиқ тўламайдилар.

Таъкидлангандек, кредит ташкилотлари ушбу масъулиятли вазифани бажариш учун нафақат ички ресурсларни ҳам айланмасига жалб этиш, балки хорижий молия институти билан яқиндан ҳамкорлик қилиш чораларини ҳам кўрмоқда. Шунингдек, «Замонавий уй-жой қурилиши» қишлоқ жойларини комплекс ривожлантириш ва қиёфасини ўзгартириш ҳамда аҳоли ҳаётининг сифатини яхшилаш омилли» мавзусида ўтказилган халқаро конференцияда қатнашчилар томонидан Ўзбекистонда бу борада олиб берилаётган ишлар ва тўпланган тажриба ҳақининг бошқа давлатлари ўрнат олса арзиғулик экани эътироф этилди.

Раъно МАХҚАМОВА,  
«Ishonch» мухбири

## Қарор ва ижро

Жиззаҳда вилоят ҳокимлиги ҳузурдаги географик объектларни номлаш ва қайта номлаш масалалари бўйича ҳудудий комиссиянинг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

## Жой номлари тарих кўзгуси

Унда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 16 октябрдаги «Географик объектларнинг номлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ географик объектларнинг номлари соҳасидаги ишларни тартибга солиш чора-тадбирлари ҳақида»ги қарори ижросини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар муҳокама қилинди.

Тадбирда географик объектларни номлаш ва янги номлар беришда атамаларнинг давлат тили талабларига, тарихий, миллий қадриятларимизга мос, айниқса, ёшларда ватанпарварлик ва фахр-ифтихор туйғуларини уйғотадиган номлар қўйилишига алоҳида эътибор қаратилади.

Вилоятда бир-бирини такорралайдиган номлар борлиги, уларни шу жойларнинг тарихий, миллий хусусиятларини фойдаландирилган номлар билан қайта номлаш ҳудудий комиссиялар олдида турган асосий вазифалардан экани қайд этилди.

У.Э.А



# Модернизация шарофати

«Микрокредитбанк»нинг Самарқанд шаҳар филиали томонидан 2011 йилнинг 83 мавсумида қишлоқ ҳўжалиги махсулотларини қайта ишлаб чиқариш учун «Сам Агро Стар» масъулияти чекланган жамиятига 6 фоиз устама тўлаш шарти билан икки йил муддатга 24 млн. 500 минг сўм миқдорда имтиёзли микрокредит маблағи ажратилган эди.

— Корхонамиз жамоаси 10 турдаги озиқ-овқат махсулотларини эл дастурхонига тортиқ этмоқда, — дейди тадбиркор Мадилло Умаров. — Деҳқон ва соҳибкорларимиз етиштираётган ноз-неъматларни

уларнинг ўзларидан ҳамда тайёрлов корхоналаридан шартнома асосида сотиб оламиз. Қўвончлиси, тайёрланаётган бодринг-помидор маринадлари, тузламалари, томат қайласи, олма мураббоси ва шарбати, узум сиркасини аҳоли бажонидил сотиб олмақда. Банк томонидан берилган кредитларини даромадимиз ҳисобидан қопладик. Корхонамизни янада кенгайтириш, модернизация қилиш ниятида банкдан яна кредит олиш режамиз бор. Бу эса махсулот ҳажмининг ошириш ҳамда янги иш ўринлари яратиш имконини беради.

Насиба ИСМАТОВА,  
«Ishonch» мухбири

## Касаба уюшма ёрдам берди

Инсонларга кераклигини ҳис қилиш буюк бахт. Сизга ишониб, суянса суянгудек тоғ ҳисоблаб келишларидан ортиқ қувонч борми?! Касаба уюшма ташкилотларида эса айти шу бахтни деярли ҳар кунни ҳис қилувчи инсонлар ишлашади. Фўқаро Шохиста Парпиева ҳам бежизга касаба уюшмасига ишонмаган эди...

# Қонун доирасида

Ш.Парпиева Наманган озиқ-овқат санoати касб-хунар коллежига 2009 йил 1 июл куни лаборатория вазифасига ишга қабул қилинган эди. 2013 йил 6 апрел куни ички меҳнат тартиб-қондаларини бузганлиги асос қилиниб, иш беврувчининг ташаббусига кўра, Меҳнат кодексининг 100-моддаси иккинчи қисми 4-банди билан меҳнат шартномаси бекор этилди. Шартномани бекор қилиш ҳақидаги буйруқ бир қарашда тўла қонунийдек таассурот уйғотади кишида: қонуний асослар кўрсатилган, касаба уюшмасининг розилиги олинган. Бирок...

Аслида ҳам касаба уюшма кўмитаси 2013 йил 6 апрел куни йиғилиш ўтказган, кун тартибига Ш.Парпиевага оид масала кўтарилган. Ўтказилган йиғилишнинг қарор қисмида Ш.Парпиева билан тузилган меҳнат шартномасининг бекор қилинишига коллеж касаба уюшма кўмитаси розилиги кўрсатилган. Маълумки, МКнинг 101-моддасига асосан касаба уюшмаси розилигини олишда, меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳуқуқига эга бўлган мансабдор шахснинг ёзма тақдимномаси берилган кундан бошлаб ўн кунлик муддат ичида қўриб чиқилади. Лекин иш беврувчи томонидан ҳеч қандай тақдимнома берилмасда-да, касаба уюшмаси ўз ҳолича йиғилиш ўтказган.

Демакки, бундай ҳолда ўтказилган касаба

уюшма кўмитаси йиғилиши юридик кучга эга эмас. Шунингдек, Ш.Парпиевага меҳнат шартномасини иш беврувчининг ташаббуси билан бекор қилиш тўғрисида оғохлантиришда қамада уч кун олдин оғохлантириш хати берилиши лозим (МКнинг 102-моддага асосан), аммо берилмаган. МКнинг 108-модда меҳнат дафтарчасини беришда меҳнат шартномаси бекор қилинган кун иш беврувчи ҳодимга унинг меҳнат дафтарчаси берилиши шарт деб кўрсатилган бўлса-да, бу ҳолда ҳам бепарволикка йўл қўйилган.

Бу каби меҳнат қонунчилиги бузилиш ҳолатлари кўрсатилиб, коллеж директори Д.Мубораковага вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси томонидан тақдимнома юборилди. Бирок иш беврувчи тақдимнома талабларини бажармади. Шундан сўнг Ш.Парпиеванинг ҳуқуқлари суд орқали ҳимоя қилиниб, суд қарори билан ҳодимни ўз ишига тиклашга муваффақ бўлинди. Энг муҳими, бошланган яна бир иш инсонларга наф келтиришдек олий таомил асосида ниҳоясига етди.

Мавлонбек ЗАРИПОВ,  
Наманган вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси юридик бўлими юрисконсулти

турли танловларда муносиб эътироф этилмоқда. Яқинда меҳнат муҳофазасини жамoатчилик асосида энг яхши ташкил этиш бўйича ўтказилган вилоят кўрик-танловига тўғрисида 17-мактабгача таълим муассасаси, 23-мактаб жамoаларининг иштироки юқори баҳоланди. «Энг намунали бошланғич ташкилот»

мактаби», «Йилнинг энг яхши мактабгача таълим муассасаси», «Йилнинг энг яхши кутубхоначиси», «Йилнинг энг яхши психологи» кўрик-танловларда да иштирок этувчилар йилдан-йилга ортмоқда. «Инсон ва Қонун», «Мавнавият тарғиботчиси», «Ватан саждагоҳи каби муқаддасдир», «Сиз қонунни биласизми?» ҳамда бошқа

олинди. Бу масканда 525 нафар бола тўлиқ ҳомиёлар ҳисобидан дам олдирилди. 12- ва 23-мактаблар қошида очилган кундузги оромгоҳларда ҳам 600 нафар бола шу усулда соғломлаштирилди. Мавсумда болаларни соғломлаштириш учун ҳомиёлардан 85 миллион сўм жамғарилди. Касаба уюшма тизими ва туман ҳокимлиги ҳамкорлиги яхши самара берди. Миллони Одилов Солиевнинг «2013 йил болаларни ёзги дам олдириш ва соғломлаштириш ташкилотчиларининг 3-Республика Форуми»да «Энг жонқуяр ҳоким» номинацияси бўйича голиб деб топилди.

— Умр оқар дарё, — дейди Убайдулла ака. — Кўз очиб юмгунча, фахрий бўлиб турибмиз. Аммо касаба уюшма етакчиси бўлиб ишлаш мен учун катта ҳаёт мактаби бўлди. Бир донишманддан: «Одамдан бу дунёда нима қолади?», — деб сўрашганлариди, «Яхшилик, яхши амаллар қолади», деб жавоб берган экан. Ҳаммамизга шундай бахт насиб этсин!

Абдулҳай ЮНУСОВ,  
«Ishonch» мухбири

## Кўрик-танлов

# Ёш қутқарувчилар беллашуви

Тошкент умумҳарбий ўқув юртида Ўзбекистон Фахрий ҳарбийлар жамияти ҳамда Республика тезкор ҳаракат хизмати ҳамкорлигида мактаб ёшидаги болалар ўртасида аънанавий «Ёш қутқарувчи» кўрик-танлови бўлиб ўтди. Унда вилоят босқичларида юқори ўринларни эгаллаган ёш қутқарувчилар гуруҳлари қатнашди. Иштирокчиларнинг фавқулодда ҳолатлар — ер силқиниши, сув тошқини, ёнғин, техноген хусусиятли бахтсиз ҳодисалар пайтида ўзлари ва яқинларининг ҳавфсизликларини таъминлаш бўйича билим ва тайёргарликлари Республика фавқулодда вазиятлар, ички ишлар, мудофиа вазирликлари вакиллари ҳамда фахрий ҳарбийлар томонидан баҳоланди.

— Танлов менда катта таассурот қолдирди, — дейди Тошкент шаҳридаги болалар шаҳарчасининг «SOS» гуруҳи сардори Мирзохид Хайдаров, — Билимимизни ошириш учун яхши имконият бўлди. Турли вилоятлардан келган тенгдошларим билан дўстлашдим. Республика босқичига мураббийлар бошчилигида алоҳида тайёргарлик кўрдик. Хозирги кунда телевизор ва бошқа оммавий ахборот воситалари орқали дунёнинг турли минтақаларида табиий офатлар содир бўлаётганидан хабардор бўляпмиз. Табиатнинг нарса деб бўлмайдми. Шунинг учун ёшлар ҳар қандай вазиятга тайёр туриши, табиий ва техноген офатлар пайтида нима қилиш кераклигини яхши били-

ш лозим. Шу маънода бугунги тадбир биз учун катта аҳамиятга эга. Таъкидлаш керакки, жорий йилда танловга алоҳида тайёргарлик кўрилди. Умумҳарбий ўқув юртида тоғ шaroитида жароҳат олган фуқароларни қўриш ишлари учун махсус жиҳозланган майдонча иштирокчилар ихтиёрига топширилди. Бу ерда ёш қутқарувчилар алпинизм бўйича тайёргарликларини намоёйш этишди. Шунингдек, болалар махсус сигнал белгилари билан ишлаш, биринчи тез тиббий ёрдам кўрсатиш, шартли жароҳатланган фуқаронини тиббиёт пунктига олиб бориш, қутқарувчиларни бахтсиз ҳодиса жойига жалб қилиш ишлари бўйича мусобақалашдилар.

Танлов якунига кўра, Тошкент шаҳридаги болалар шаҳарчасининг «SOS» гуруҳи биринчи ўринга лойиқ деб топилди. Республика тезкор ҳаракат хизматининг кубогини қўлга киритди. Пойтахтнинг 106-заиф эшитувчи болалар махсус мактаб-интернати жамoаси иккинчи ўрин, Бухоро вилоятининг 19-мактаб жамoаси 3-ўринга сазовор бўлди.

Ғолиблар қимматбаҳо совғалар ва фахрий ёрликлар билан тақдирланди. Бундан ташқари, барча иштирокчилар ва гуруҳ мураббийлари бир миллион сўм қийматли бир йиллик саломамлиқ сўғуртаси билан таъминланди.

Улғубек ИБОДИНОВ,  
«Ishonch» мухбири

# амаллар

кўрик-танловининг вилоят босқичида 62- ва 31- мактаблар касаба уюшмалари 2- ва 3-ўринларни эгаллади.

Кенгаш фаолият жараёнида туман ҳокимлиги, ХТМФМТ ва ТЭ бўлими, «Маҳалла», «Нуроний» жамғармалари, хотин-қизлар кўмитаси, «Камолот» ЕИХ, меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, маданият ва спорт ишлари бўлимлари ҳамда бошқа ташкилотлар билан яқин алоқани йўлга қўйган. Туман ХТМФМТ ва ТЭ бўлими билан ҳамкорликда ўтказилаётган «Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси», «Йил

танлов ва учрашувларни ташкил қилиш, ўтказиш, голибларни рағбатлантиришда фаол иштирок этилади.

Кейинги 3 йил давомида туман ҳокимлиги, ХТМФМТ ва ТЭ бўлими, «Маҳалла», «Нуроний» жамғармалари, хотин-қизлар кўмитаси, «Камолот» ЕИХ, меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, маданият ва спорт ишлари бўлимлари ҳамда бошқа ташкилотлар билан яқин алоқани йўлга қўйган. Туман ХТМФМТ ва ТЭ бўлими билан ҳамкорликда ўтказилаётган «Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси», «Йил

Тошкент Давлат иқтисодий университетини томонидан № В 617770 рақамли 2012 йилда Шукров Фарруҳ Авазхоновичга берилган диплом йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент Давлат иқтисодий университетини томонидан № В 122946 рақамли 2004 йилда Хасанов Алишер Абдусаломовичга берилган диплом йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Ўтганларнинг охириати оқиб бўлини

Ўзбекистон агросаноат мажмуи ҳодимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши Агросаноат мажмуи ҳодимлари касаба уюшмаси Андижон вилояти Олтинқул туман кенгаши раиси

Муқаррамхон ПАРПИЕВАНING вафоти муносабати билан унинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

(Давоми. Бошланиш 1-саҳифада).

Ўзим қандай қайнонаман...

Мақтанмайману жуда яхши қайнонаман. Яқинларим: «Вой, Рихси, келинингни жуда эркалатиб юборгансан-а? Сал қаттиқроқ ушласанг бўлмайди?» дейишади. Келиним, кўпчиликнинг ёдида бўлса, бундан бир неча йиллар муқаддам «Уйга вазифа» кўрсатувини олиб борган Хилола бўлади. Келинимнинг онаси билан дугона эдим. Ўзи иш юзасидан кўп ҳолларда хорижий давлатларда бўлганда, Хилола олдимга тез-тез келиб турарди. Табиати, одоби менга маъқул келгани учун ҳам бегона қилмай, ўзим келин қилиб кўя қолдим. Хозир бир-бирдан ширин икки неварам бор. Золим қайноналарни ҳеч ҳазм қила олмаيمان. Қайнона ўртоқларимга келинингнинг соғлигини кўпроқ ўйлагин, ўлгининг боласини кўтариб юрибди, дердим. Сен яхши бўлсанг, ширин сўзингни аямасанг, келининг ҳам яхши бўлади. Келинга золимлик қилишдан нима фойда...

Ранжийдиганим...

Халқ билан мулоқотда бўлиб, ўзим учун кўп нарса оламан. Бироқ гоҳида шундай пайтлар ҳам бўладики, бироз хижолат бўлиб қоламан. Метрода кўп юрганганим учун ёшлар рўпарамга келиб, кўп телефонларига расмага туширишади, бемаъни саволлар беришади. Шундай пайтларда улардан озгина ранжийман.

Очик гап...

Қишлоқ одамларини жуда ҳурмат қиламан. Меҳнатда тобланган қадок кўларини кўзимга сургим келади. Жайдари саволларини ҳам ёқти-

раман. Уларда санъаткорга нисбатан ҳурмат ўзгача. Гарчи истаган пайтда спектакл кўриш имконияти бўлмасада, театрнинг муқаддас даргоҳ эканини билишади.

Ҳаётимдаги катта йўқотишлар...

Ҳовлимизда настарин гуллаган апрел кунларининг бирида онам бетоб қолдилар. Ака-сингилларим бўлса-да, онамни ташлаб кетишга кўзим қиймасди. Лекин

бор, кетавер, дея мени дарвозагача кузатиб қўйдилар. Кўчанинг бошига етмасимдан акамнинг: «Рихсиҳон, орқангда қайт», деганини эшитиб уйга югурдим. Келсам, даданнинг жони узилиб бўлган экан. Дарҳол театрга кўнги-роқ қилиб, Москвага бори-маслигимни айтдим. Азонлаб сафарга поездда кетадиган жамоадолларим жанозага етиб келишида ва уч кундан кейин фестивалга бормасам бўлмаслигини айтишди.

айтишарди — моддият бир-ламчи, маънавият иккиламчи даражада деб. Назаримда, маънавият биринчи ўринда туриши лозим. Чунки, маънавий қашшоқлик бор жойда салбий иллатлар кўпаяди. Айниқса, гиёҳвандликка берилиб кетиб, кейинчалик афсус қилаётган ёшларимизга ачинаман. Ҳеч қайси ота-она фарзандини ёмон бўлсин, демайди. Бунда афрофдаги салбий муҳитнинг ҳиссаси кат-

хафа бўлиб кетасан, киши. Машина олдида туриб олиб, йигитга қараб: «бор-бор, у ёққа ўт, туршак-пуршак», дейишади. Йигит билан кизнинг ўртасида ҳар қандай шароитда ҳам парда бўлиши лозим.



«Мен ҳам қасаба уюшма аъзосиман»

Ўзбек Миллий академик драма театри актрисаси, Ўзбекистон халқ артисти Рихси Иброҳимова газетамиз меҳмони

театрда тартиб жуда қатъий. Бир куни онам жуда оғирлашиб қолдилар, театрга бормади десам саҳнага чиқишим керак, бунинг устига дублёрим йўқ. Спектаклни тугатиб уйга келсам, онам бир ахволдалар. Мени кўрдилару, жонлари узиди...

Бир неча йилдан кейин эса Москвага фестивалга кетгимиз керак бўлди. Чипталар олинган, узоқ йўлга кетишдан олдин дадамдан оқ фотиҳа олиш учун олдиларига бордим. Бир ҳафтадан кейин келишимни билиб, узоқ ўйланиб қолдилар. Кейин ўзларини тутиб, қатик ичириб қўйишимни сўрадилар...

Сўнгра тетиклашгандай бўлдилар-да, оқ фотиҳа бериб: «Мен сендан розиман», дедилар. Олдиларидан ҳеч кетолмай акамга қарагандим,

Инсондан катта иродани талаб қилса-да, мен шу фестивалда қатнашдим. Саҳнада кулиб ўйнайдиган жойларда ўзимдан ўтганини ўзим биларман...

Шогирдларим... Кўплаб ёшларга устозлик қилдим. Энг яхши кўрган шогирдларимдан бири Шохидда Исмоилова. Жудаям ақлли, турмуш ўртоғи билан бахтли ҳаёт кечирмоқда. Театрга пок ният билан келган барча ёшларга қўлимдан келганча ёрдам берайман.

Санъаткор маънавияти... Ўртбосимиз томонидан маънавиятга катта эътибор берилляпти. Дарҳақиқат, юксак маънавиятли инсон ҳаётдаги барча қийинчиликни енгиб ўтади. Илгари

Телевизорда берилётган ёшларни огоҳликка чорловчи «Қулликка рози бўлманг» ижтимоий ролигини кўраётган бўлсангиз керак. У бекорга такрор-такрор берилмаяпти. Бундан кўзланган мақсад одамларни янада огоҳ бўлишга чақиртиришди.

Айрим роллардаги юзакилик... Айрим филмларимизда менталитетимизга, миллийлигимизга тўғри келмайдиган саҳналар учраяпти. Қизларнинг йигитнинг юзига шапалоқ уриши, қушқондан чиқиб кетган сўзларни гапирдишлари беҳаёликдан бошқа нарса эмас. Шундай лавҳалардан орланаман. Ролларга чиройли қизларни танлашди, аммо уларнинг қилган ишларидан

Кайси ролларда ўзини кўрган... «Дунёнинг ишлари»даги она ролим ўзимнинг ҳаётимга ўхшаб кетади. Энг яхши ролларимдан бири шу. Табиатимда шу нарса бор. Биринчи кўрилганганини, ноҳақликни кўрсам, чидай олмайман. Муҳтожга қўлимдан келганча ёрдам бергим келади. Айтишадик-ку, йиқилган одамни ҳамма тепкилаб ўтиши мумкин, лекин уни суяб турғизиш фақатгина марднинг қўлидан келади.

Давлат мукофотлари... Мукофот роллар учун эмас, қилган меҳнатингиз учун берилади. Масалан, Яйра Абдуллаева, Коммуна Исмоилова сингари ардоқли санъаткорларга халқни тар-

биялагани учун унвонлар берилган, деб ўйлайман.

Қасаба уюшмаси ҳақида...

Тўғриси айтсам, шунча йил ишлаб бирор марта ҳам сихатгоҳга йўланма олмаганман. ... «Ўтган замон ҳангома-лари» спектаклида саҳнанинг айланадиган жойи бор эди. Шунда саҳнани мен чиқишимдан олдинроқ айлантириб юборишди. Йиқилиб тушдим. Қўлим бир пасда шишиб кетди. Одатда бундай ҳолларда акт турилиши лозим. Мени эса табиқча олиб боришди. Барбир, фойдаси бўлмади. Оғриққа чидаб бўлмасди. Охир-оқибат қўлим қотиб қолди.

Менинг тушунчам бўйича қасаба уюшмаси ходимларнинг жон-тани бўлиши керак.

Тилаклар... Инсонлар бир-бирларига ҳеч қачон ёмонлик қилишмасин. Яхши ниятларни дилга жо этиб, пок амалларни бажариб яшашларини истардим.

Нарзулла МАҲАМОВ, «Ishonch» муҳбири

Биласизми?

О Дастлабки шарикли рўчқалар Буюк Британия Қироллигининг ҳарбий-ҳаво қўчаларига мўлжалланган. Чунки оддий пероли авторўчқалар самолётларда атмосфера босимининг пасайиб кетганлиги сабабли оқиб тушади. Рўчқалар очик космосда ва вазнсизлик ҳолатларида ёзмайди.

Шарикли рўчқаларнинг биринчи сотуви Нью-Йоркда 1945 йилда йўлга қўйилган. Уша пайтда унинг нархи 12 доллар бўлган.

Деярли барча европа тилларида шарикли рўчқалар, «шарик» сўзини қўллаган ҳолда айтилади: инглиз тилида «ballpoint» pen, испан тилида «boligrafo», италия тилида «penna a sfera», немис тилида «Kugelschreiber». Фақат Аргентинада шарикли рўчқаларни рўчка ихтирочиси Ласло Биро номи билан — «Биролар» деб айтади. Айтганча, у ўз кашфиёти учун бир цент ҳам олмаган, чунки у ўз вақтида патентни расмийлаштирмаган.

Хар сонияда бутун дунёда 125 та шарикли рўчка сотилади.

Яхши шарикли рўчка билан 50 минггача сўз ёзиш мумкин.

Аксарият одамлар қўлига янги рўчка тушиб қолса, биринчи ёздадиган сўзи — ўзининг исми бўлади.

Гиннеснинг рекордлар китобида қирғилган энг қimmat рўчқанинг нархи 1 млн. еврога тенг. Бу «Montegrapa» платинали авторўчқадир.

Интернет хабарлари асосида Ж. ЭРГАШЕВ тайёрлади.



Бухоро шаҳрида жойлашган вилоят «Баркамол авлод» болалар марказида 540 нафар ўғил-қиз малакали педагоглар, ўз соҳасининг усталари кўмагида билим ва маҳоратини ошириб, касб-хунар ўрганмоқда.

Замонавий ўқув жиҳозлари, техника воситалари билан таъминланган машғулот хоналари, устaxonаси, кутубхона, хореография зали, компьютер хонаси мавжуд марказда илм-фан, касб-хунар, санъат йўналишларида 36 та тўғрақ ишлаб турибди. Бу ердаги тасвирий санъат, тўқиш, бичиш-тиқиш, доира, рақс, компьютер сервис хизмати тўғрақлари ёшлар билан гаўжум. Жорий йилдан инглиз тили бўйича машғулотлар йўлга қўйилди.

Суратда: Бухоро вилоят «Баркамол авлод» болалар марказида. Тоҳир ИСТАТОВ (ЎЗА) олган сурат

Огоҳлик

Инсон барча ҳаракатларини онгли равишда амалга оширадими? Агар бу саволга ҳа, дея жавоб берадиган бўлсак, Жалолиддин Румийнинг «Инсонда бир қанча нарсалар мавжуд. Масалан, сичқон, қуш... Қуш қафасни юқорига тортса, сичқон тубанга судрайди. Инсондан улар каби яна мингларча ийртқиҳ ҳайвонлар топилади...» деган фикри беихтиёр ўйга толдиради. Биз қандай жавобни танлашимиздан қатъи назар, аксилмаънавий ҳаракатлар афрофдагиларга катта таъсир кўрсатаверади. Айниқса, бунинг ортида маълум бир мақсад, айтилик, ёшларни тубанлаштириш, уларнинг онгини бўзш ва миллатлар келажагига таҳдид қилишдек бўвуз ният яширинган бўлса, ҳафв янаям ортади.

Бугун вайронкор гоъларни кўнгилоҷар тадбирлар сифатида омма онгига сингдиришга уринаётган халқаро қушлар учун виртуал олам чексиз имкониятни юзага келтирди. Бу дунё мамлакатлари маданиятини издан чиқаришда лаҳза сайин хавфли қуролга айлиниб бораляпти. Тўғри, бундан бир неча йил олдин, интернет эндигина ривожланаётган пайтда ҳам юқоридаги қушлар мавжуд эди. Лекин улар барча миллатларни ўз таъсир доирасига олишда тил бил-

лашди, бошқалар эса унга беъэтибор равишда ўз ишлари билан банд бўлишади. Шундан сўнг барча бававрига ўхшосиз кийимларда ёки ялонғоч ҳолда тартибсиз ҳаракат қила бошлади. Ҳаракатларда ҳеч қандай маъно-мазмун, таълим-тарбия йўқ. 40 минг йиллик камалдан қочиб чиққан шайтоннинг хиринглашига ўхшайди гўё.

Жорий йилнинг бошида австралиялик 5 нафар ўспирин бекорчиликдан нима қилишни билмай, ушбу «ракс»ни ижро этишган

«ракс» маънавий ва диний тўғуларга салбий таъсир учун таҳиқлангани, Мисрдаги эҳромлар олдида «Harlem Shake»ни ижро қилган талабалар тарихий обидаларга беҳурматлик қилганлигида айбонлаб, жибсга олингани ёки АҚШда 100 нафардан ортиқ ўқувчи ва талабалар айнан шу тўғулай ўқишдан ҳайдалгани ҳам масаланинг қай даражада жиддийлигидан далолатдир.

Хозирда фуқароларни, айниқса, ёшларни ёт қушлар таъсиридан асраш ҳар бир давлат учун катта муаммага айланган. Интернет сайтларига турли чекловлар қўйиш билан муаммо ҳал бўлмаяпти, қайтанга одамларда блокланган сайтларни очиб кўришга бўлган қизқиш қучайиб бормоқда. «Harlem Shake» «телба»лари эса интернет орқали бутун жаҳонни «забт» этишяётгани аини ҳақиқат.

Бугунга қадар Ўзбекистонлик ёшлар томонидан 50 дан ортиқ «Harlem Shake»лар тасвирга олинди, виртуал оламга жойлаштирилгани, бири-бирдан хавотирли видеороликларнинг пайдо бўлаётгани кишини ташвишга солмай қўймайди, албатта. Бу таҳли-

34 сония: телбаллик, таҳлика, таназзул!

канинг ечимни ўйланаётган бир пайтда айрим сайтларимиз «Harlem Shake»ни тарғиб қилиш билан «банд»лиги кечирилмас ҳолат. Масалан, аёллар ва қизлар учун яратилган сайтда берилган хабарда бу беҳаёлик санъат даражасидаги рақс деб изоҳланган. «Harlem Shake» бугун Тошкентга ҳам етиб келди. «Қўйида сизга шу видеороликни намойиш қиламиз» дея фахрланиш ҳисси билан тугатилган хабар остига ролик ҳам жойлаштириб қўйилган. Бу сайт муҳлислари учун қулайлик, муҳим янгилик эмиш, гўё. Дунёни лол қолдирган буюк инсонларга бешиқ бўлган миллатимиз санъат билан беҳаёлик фарқини тушунамиз қилиши мумкинми? Йўқ, албатта. Аммо ҳали ҳаётий тажрибага, гоъвий хуржларга нисбатан ақлий иммунитетга эга бўлмаган ёшларимиз бундай ўйинларга аралашиб қилишларини бамайлихотир қузатиш жуда оғир.

Мухтасар айтганда, бемаънилик акс этган 34 сониянинг бугун телбаллик, эртаси таҳлика, келажаги эса таназзулдир! Унинг олдини олиш учун хозирданок барчамиз бирдек курашмоғимиз лозим.

Руслан САБУРОВ, журналист

Китобингизни ўқидим

Яқинда «Янги аср авлоди» нашриётидан таниқли шоир Салим Ашурнинг «Иссиқ уй» деб номланган тўпلامи нашрдан чиқди. Унда она юрт мадҳ этилади, инсоний қадриятлар ҳақида баҳс юритилади.

«Иссиқ уй» тафти

Китобни варақлар экансиз, ундаги шеърлар сизнинг-да юрагингизга ҳарорат бағишлайди. «Ватан расми» шеърлари шундай сатрлар бор: Кимирлайди дала — туз, Жимиллайди кўк — ҳовуз, Дириллайди зарғалдоқ, Сувлар бунча қақилдоқ. Шеърларда ташбеҳлар-

Юзингга ранг берган йўларим Кўзимга тонг берган гулларим. Китобдан ўрин олган «Даракт ажинлари», «Иш тасвири», «Сумалак», «Ватан», «Баҳор кўнгироғи» каби шеърлар ҳам ўзининг мусиқий оҳанги, неқбин туйғулари билан шеърнинг илосмандларига ўзгача кайфият бағишлайди. Ҳар бир сатрида шоирнинг юрак кўри, қалб ҳарорати балқиб туради. Самимиятга тўла дил нолалари ўқувчининг-да қалбига кўчади. Зеро, сўзининг қудратини ҳис этган киши борки, сатрлардаги нозик қодиримлар ва жозибани илғаб олади. Рустам МАННОПОВ

Footer containing contact information for O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi, including address, phone numbers, and website details.